

**Жорий йилнинг 31 май кундаги “Исломда нафс тарбияси”
мавзусидаги жума тезисига қўшимча
ИЛОВА**

БОЛА УЧУН ЭНГ ЗАРУР ОЗУҚА

Мухтарам жамоат! Сухбатимиз давомида фарзандларимиз саломатлиги учун зарур бўлган масала-болани табиий она сути билан озиқлантириш ҳақида динимиз тавсияларини эслаймиз.

Маълумки, дунё мўъжизаларга бой бўлиб, улардан бири она сутининг мўъжизаси ва энг хайратланарлисидир. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда бу мавзуда шундай марҳамат қилади:

﴿حَمَلَتْهُ أُمُّهُ كُرْهًا وَوَضَعَتْهُ كُرْهًا وَحَمَلُهُ وَفِصَالُهُ ثَلَاثُونَ شَهْرًا﴾

Яъни: “...Онаси унга қийналиб ҳомиладор бўлди ва уни қийналиб туғди. Ва унинг ҳомиласи ва кўкракдан ажратиши ўттиз ойдир...” (Аҳқоф сураси, 15 оят)

Ҳар бир инсон ана шу ҳомиладорлик, тўлғоқ, туғиш каби қийноқларни бошидан кечирган онасини ҳар қанча эҳтиром қилса, шунча оз.

Она сутининг фойдали хусусиятларини ҳеч бир жонзот сути билан ё сунъий воситалар билан ўрнини тўлдириб бўлмайди. Она сути болага куч-қувват, кучли иммунитет бериши билан бирга унинг ақлий ривожланиши, онасига меҳр пайдо қилишида мўъжизавий хусусиятга эга.

Мутахассисларнинг таъкидлашларига кўра, она сути қуйидаги хусусиятларга эга:

- унга микроблар тушиш эҳтимоли йўқ;
- доимо янги, ҳарорати 36-37 даражада бўлиб, бола танаси ҳароратига яқин;
- ошқозонга аста-секин ва оз-оздан тушади ва кичкинтой танасига таомнинг таркибий қисми тўла ҳолда парчаланмай сўрилади.

Бундан ташқари, она сутида чакалоқнинг дастлабки ойларида айрим юқумли касалликлардан ҳимояловчи, иммун таначалар ҳамда ҳазм жараёнини яхшиловчи ферментлар мавжуд.

Шу сабабли бу бебаҳо неъмат билан улғайган болалар ҳар томонлама яхши ривожланади. Рахит, камқонлик касаллиги, ошқозон-ичак фаолиятининг бузилиши каби хасталиклар деярли кузатилмайди. Зотилжам билан эса камдан кам ҳоллардагина оғрийдилар.

Бола учун она сутидан ортиқ фойдали озуқа йўқ. Эҳтиёж бўлмаса, бошқа озуқаларга ўтиш мақсадга мувофиқ эмас. Қуръони каримда бу ҳақда шундай дейилади:

وَالْوَالِدَاتُ يُرْضِعْنَ أَوْلَادَهُنَّ حَوْلَيْنِ كَامِلَيْنِ لِمَنْ أَرَادَ أَنْ يُنَمِّىَ الرِّضَاعَةَ وَعَلَى الْمَوْلُودِ لَهُ رِزْقُهُنَّ وَكِسْوَتُهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ

яъни: “Оналар болаларини тўла икки йил эмизацилар. (Бу муддат) эмизишни камолига етказишни истовчилар учундир. Уларни (оналарни) меъёрида озиқлантириш ва кийинтириш отанинг (эрнинг) зиммасидадир.” (Бақара сураси, 233-оят).

Демак, мана шу оятда Аллоҳ таоло бандаларига болани эмизишнинг комил кўриниши икки йил бўлишини эслатмоқда. Бу ерда яна бир гўзал ишора борки,

она икки йил эмизиш давомида ҳомиладор бўлмай, дам олишига имкон бўлади. Яъни туғилажак фарзандлар орасини икки йилдан яқин бўлмаслиги она ва боланинг саломатлиги учун бирдай зарур эканлигига ишора бор. Чунки тиббиёт мутахассисларига кўра, она ҳомиладор бўлган кунидан бошлаб, то фарзандини туғиб, уни сутдан чиқаргунига қадар ўзидаги энг зарур витамин ва моддаларни йўқотади. Ушбу йўқотилган моддалар жойига келиши учун камида икки йил вақт талаб қилинар экан. Қолаверса, агар эмизикли она ҳали фарзандини сутдан чиқармай туриб, ҳомиладор бўлса, табиийки чақалоғини мажбур сутдан тўхтатади ва она сутига тўймай катта бўлган болага тиббий нуқсонлар етади. Шунинг учун аввал дунёга келтирган фарзандини соғлом ҳолда боқиб, уни сутдан чиқаргач, кейинги фарзандига юкли бўлса, ҳар икки томон учун ҳам манфаатли бўлар экан. Албатта, икки йилдан аввал сутдан ажратиш зарур бўлиб қолса, эр-хотиннинг маслаҳати билан бўлиши жоиз. Лекин икки йил эмизиш боланинг ҳақларидан бири ва уни бу ҳақдан маҳрум қилмаслик керак. Бу унинг ақлан ва жисмонан соғлом ўсишига пойдевор бўлади.

Баъзида боласини сунъий озиқлантириб, қадди-қомат бузилади, деб эмизмаётган ёки боласини кўча-куйда ташлаб кетаётган аёлларни кўриб ёқа ушлайсан киши. Бу билан она ўз зиммасидаги энг шарафли вазифалардан биридан юз ўгирган бўлади. Шаръий жиҳатдан бола бошқани эммаса ё бошқа таом емаса, зое бўлмаслиги учун онаси уни эмизиши мажбурийдир.

Аллоҳ таоло бизга оилада намунали ота-она бўлишимиз учун ўзи ёрдам берсин, фарзандларимизни солиҳ ва солиҳалардан қилсин! Омин!